

ISSN
2181-2128

2021
V SON



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz



ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ

Таҳририят Кенгаши раиси

Муҳиддин Бахритдинович Калонов

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

Таҳририят Кенгаши раиси ўринбосари

Комил Раббимович Хотамов

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир

Фаҳриддин Икромович Исаев

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Таҳририят Кенгаши аъзолари:

и.ф.д., акад. Каландар Ходжаевич Абдурахманов

и.ф.д., проф. Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

т.ф.д., проф. Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

и.ф.д., проф. Одил Қаландарович Абдурахманов

и.ф.д., доц. Мансур Пўлатович Эшов

и.ф.д., проф. Гулнора Каландаровна Абдурахманова

и.ф.д., проф. Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

и.ф.д., проф. Нодир Хосиятович Жумаев

и.ф.д., проф. Тулқин Хайитмуродович Фарманов

и.ф.д., проф. Алишер Жўраевич Тўйчиев

и.ф.д., проф. Адхам Азизович Фаттахов

и.ф.д., проф. Садридин Каримович Худойқулов

и.ф.д., проф. Султонали Умаралиевич Мехмонов

и.ф.д., проф. Шойзоқ Рахматович Холмўминов

т.ф.д., проф. Алимжон Ахмаджонович Рискулов

и.ф.ф.д.,(PhD) Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржиа ХУ)

и.ф.д., проф. Hermann Sterzinger (Германия, Мюьнхен ТУ)

и.ф.д., проф. Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

и.ф.д., проф. Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

и.ф.д., проф. Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)

"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ" илмий электрон журнали

2021 ЙИЛ
5 СОН

МУНДАРИЖА:

Davlatov S.S	<i>Zamonaviy sharoitlarda oliy ta'lim sifatini baholashni o'rganish: Polsha Respublikasi misolida</i>	6
Odilova S.S.	<i>O'zbekistonda meva sharbatlari brendlari raqobati tahlili</i>	14
Ostanov K.A.	<i>Mahalliy oliy ta'lim muassasalarining mintaqaviy iqtisodiy o'sishga ta'siri</i>	21
Sindarov F.Q.	<i>Global Covid-19 pandemiyasining Markaziy Osiyo mamlakatlari moliyaviy-iqtisodiy holatiga salbiy ta'siri</i>	27
Tursunov U.S.	<i>Improving the audit of leasing operations in leasing companies of the Republic of Uzbekistan</i>	38
Адашалиев Б.В.	<i>Тижорат банклари томонидан кредитга лаёқатлилиқни аниқлашнинг айрим жиҳатлари</i>	46
Азимов С.С.	<i>Камерал солиқ текширувини амалга оширишда ташқи манба маълумотларидан фойдаланишнинг афзалликлари</i>	52
Актамов Б.М.	<i>Ўзбекистонда баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш ва барқарор ривожлантириш</i>	58
Атажанов М.К.	<i>Велотранспорт инфратузилмасини шаҳар кўча-йўл тармоқлари юкланишини камайитиришдаги аҳамияти</i>	65
Атаниязов Ж.Х. Убайдуллаева Г.	<i>Формирование приоритетных направлений развития исламских финансов в Республике Узбекистан</i>	71
Бахриддинов Ш.	<i>Тижорат банклари активлари риск даражасининг кредит портфели сифатига таъсири</i>	78
Боймуротов С.Р.	<i>Мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда солиқлар ўрнини ошириш масалалари</i>	88
Болтаев Ш.Ш.	<i>Инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида тежамкорликка эришиш ва самарадорликни ошириш масалалари</i>	96
Гулматов Ж.Р.	<i>Камерал солиқ текшируви солиқ назоратининг самарали тури</i>	102
Джураева Д.Д.	<i>Инновацион хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг тизимли бошқариш модели</i>	106
Зайнутдинов И.С.	<i>Жорий молиявий активларни бошқариш тизимини такомиллаштириш</i>	116
Закирова У.М.	<i>Бизнес-режа ишлаб чиқиш йўллари хусусида</i>	121
Зиявитдинов Ҳ.	<i>Ресторан хизматлари рақобатбардошлигини ошириш масалалари</i>	128
Ибрагимова И.Р.	<i>Ўзбекистонда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тақдим этиш хусусиятлари</i>	133
Избосаров Б.Б.	<i>Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш масалалари</i>	140
Йўлдашова Г.	<i>Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари тизимини такомиллаштириш</i>	146



ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТИЗИМЛИ БОШҚАРИШ МОДЕЛИ

Джураева Д.Д.

Бухоро давлат университети

Аннотация: Мазкур мақолада хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг бошқарув объекти сифатидаги мазмун-моҳиятининг назарий асослари, хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишда инновацион ишланма ва технологиялар трансферини ривожлантириш муаммолари таҳлил қилинган ҳамда хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган. Шунингдек, бошқарувнинг инновацион усуллари ва технологиялари таъсирининг самарадорлигини баҳолаш усули таклиф этилган, бу эса инновацияларни жорий этишга қабул қилинган бошқарув қарорларининг таъсир даражасини аниқлашга ва шу асосда чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишга имкон беради, инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида хизмат кўрсатиш соҳаси корхонасини бошқариш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Калит сўзлар: инновация, хизмат кўрсатиш, бошқариш, модель.

SYSTEM MANAGEMENT MODEL TO INCREASE THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE SERVICES

Djurayeva D.D.

Bukhara state university

Abstract: A method for assessing the effectiveness of the impact of innovative methods and technologies of management is also proposed, which will determine the level of influence of management decisions on the implementation of innovations and, on this basis, determine and implement measures, improve the service management system. the sector helps. It also proposes a method of assessing the effectiveness of the impact of innovative management methods and technologies, which will determine the level of impact of management decisions on the introduction of innovations and identify and implement measures on this basis, improve the management system of the service sector helps.

Keywords: innovation, service, management, model.

1. Кириш.

Охирги пайтларда Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви даврида муваффақиятли ва барқарор ривожланишнинг асосий омили ва шarti хизмат кўрсатиш соҳаси корхонасини бошқариш ва такомиллаштиришга кўмаклашади. Бунда мавжуд илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш, илғор илм-фан ютуқлари ва истиқболли инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, пировард натижада мамлакат иқтисодиётини изчил ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган инновацион тараққиёт йўлидан дадил қадам ташламоқда. Давлатимиз томонидан илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, илм-фан ва инновацион фаолиятни тартибга солувчи 2 та янги Қонун ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида соҳада рақобат, манфаатдорлик ва жавобгарлик муҳити шаклланди. Натижада илмий ҳажмдор кичик серияли маҳсулот

ишлаб чиқишга қаратилган стартап экотизимига асос солинди, янги инновацион ишлаб чиқариш тузилмалари – технопарклар ташкил этилди¹.

Сўнги йилларда инновацион фаолият борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси 2020 йилда Глобал инновация индекси халқаро рейтингига беш йиллик танаффусдан сўнг, 2015 йилга нисбатан 29 поғонага кўтарилган ҳолда қайта киритилди. Унда, рейтингдан ўрин олган жами 131 та мамлакатлар орасида 93-ўрин, ўрта даромадли 29 та мамлакатлар орасида 12-ўрин ва Марказий ва Жанубий Осиёдаги 10 та мамлакатлар орасида 4-ўридан жой эгаллади. Глобал инновация индексида Ўзбекистон институционал бошқарув (*Institutions*), инсон капитали ва тадқиқотлар (*Human capital & research*), инфратузилма (*Infrastructure*), иқтисодийта билим ва технология натижалари (*Knowledge & technology outputs*) ва яратувчанлик (ижодкорлик) натижалари (*Creative outputs*) каби кўрсаткичларда ижобий натижаларни қайд этди.

Умуман олганда, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари халқаро индексларда ҳам ижобий баҳоланмоқда. Ўзбекистон Республикаси 2021 йилда Глобал инновацион индекс рейтингига 7 поғона юқорилаб, 132 мамлакат орасида 86-ўринни эгаллади, бунда республикаимиз энг катта поғона юқорилаган мамлакатлар топ 10 талигига кирди.

Амалга оширган таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дунёда сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 61 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 36 фоиздир. Лекин 86 фоиз қўшилган қиймат шу соҳада яратилади. Республикаимиз микёсида ушбу таҳлилларни давом эттирадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республкаси, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан 2 баробар паст.

Биргина, йўл бўйи инфратузилмасини яхшилаш орқали 700 миллиард сўмлик қўшимча хизматлар яратиш имкони мавжуд. Жумладан, 150 дан ортиқ туман ва шаҳардан ўтадиган 10 минг километр йўлда 400 дан зиёд йирик сервис объектлари учун эҳтиёж мавжуд (Отажонов, 2010).

Бунда инвесторлар иштирокида истироҳат боғлари ҳамда хиёбонларнинг бир қисмида енгил конструкцияли савдо, умумий овқатланиш ва кўнгилочар объектлар ташкил этиш, таълим, маданият, спорт ва соғлиқни сақлаш объектларининг бўш турган қисмини тадбиркорларга бериш орқали ҳам кўплаб хизматларни йўлга қўйиш мумкин.

Хизматлар бўйича йиллик тушуми бир миллиард сўмдан кам бўлган тадбиркорлар учун қўшилган қиймат солиғини чорак якуни бўйича тўлаш тартибини давом эттириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса 8 мингдан зиёд тадбиркор ихтиёрида бир чоракда 220 миллиард сўм айланма маблағ қолишига имкон беради.

Ушбу илмий мақола ҳам шу жиҳатдан долзарб бўлиб, хизматлар соҳасини инновацион ривожланиши, илм-фан соҳасини қўллаб-қувватлаш, илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш, илғор илм-фан ютуқлари ва истиқболли инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, пировард натижада мамлакат иқтисодийтини изчил ривожлантириш илмий мақоланинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

2. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни олиб боришда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган

3. Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси.

Инновацион хизматлар соҳасида маркетингни ривожлантириш концепцияси қуйидагиларни қамраб олган: Маркетинг тизимининг модели → мустақил ўзгарувчан омиллар (сабаблар) → муайян бозор шароитда хизматлар маҳсулотларини таклиф этиш. Боғлиқ бўлган ўзгарувчан омиллар (самара) ↔ таклиф этилган маҳсулотнинг истеъмол хизматлари салоҳиятига мувофиқ бўлишини идрок этиш (1-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик тўпламлари. –Тошкент, 2017-2021 йй.

Инновацион хизматлар кўрсатишда корxonани бошқариш ва маркетинг тизимининг мақбул моделини ишлаб чиқиш²

Ривожланишга таъсир кўрсатувчи ўзгарувчан омиллар (сабаблар)	Тўридан-тўғри ўзгарувчан омиллар (самара)
Маркетинг мажмуаси	Истеъмомчилар муносабати
1. Бозор ҳолати	1. Истеъмомчиларни англаб олиш
2. Маҳсулот ҳақидаги қарор	2. Хабардорлиги
3. Нарх ҳақидаги қарор	3. Қизиқиши
4. Сотиш ҳақидаги қарор	4. Афзал кўриши
5. Маҳсулотни бозорга киритиш ҳақидаги қарор	5. Сотиб олиши
Маркетинг муҳити	Корхона учун фойда
1. Талаб	1. Сотиш ҳажми
2. Рақобатчилик	2. Бозордаги улуш
3. Ташқи муҳит омиллари	3. Фойда
4. Корxonанинг ички ресурслари	4. Имидж

Инновацион хизмат кўрсатувчи корxonанинг умумий мақсади миқдор ва сифат жиҳатидан маълум бир даврда аниқланиши лозим. Мақсадлар жумласига сотиш ҳажми ва тушум, фойда миқдори, бозор улуши ва фаолият даражасининг ўзгаришларини киритиш мумкин. Хизматлар корxonаси ёки тармоқларида одатда туристлар сонини кўпайтириш, корхона имиджи ва мавқеини кўтариш, бошқа хизмат кўрсатишга алоқадор бизнеслар кооперациясини таъминлаш сингари мақсадлар кенг қўлланилади. Белгиланган мақсад ва вазифаларни аниқлаб олишда корxonаларнинг ресурс имкониятларини инобатга олиш лозим.

Инновацион хизматлар самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва рақобатбардошлигини оширишда инновацион хизматлар соҳасини ривожлантиришни бошқаришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш бўйича мавжуд илмий ёндашувларни таҳлил қилиш ва уни белгиловчи омилларни аниқлаш;

хизматлар соҳасини инновацион ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини оширишнинг иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан мақбул механизмини аниқлашга услубий ёндашувларни илмий жиҳатдан асослаш;

хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш концепциясини шакллантириш ва ундан фойдаланиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш асосида улардан маҳаллий шароитларда фойдаланишнинг амалий механизмларини асослаб бериш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш инфратузилмасини такомиллаштиришнинг услубий жиҳатлари ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш;

фан ва технологияларнинг муҳим натижалари ва инновация салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида хизматлар соҳасини инновацион ривожлантиришни бошқариш услубиятини такомиллаштириш;


хизматлар соҳасини инновацион ривожлантиришнинг иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар рақобатбардошлигига таъсирини баҳолаш;

янги хизмат турларини кенгайтириш бўйича инновацион тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш, рағбатлантириш ва унинг бошқарув механизми самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этиш. Мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун унинг жaxon бозорида рақобатбардошлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб бунга илмий техник тараққиётсиз эришиб бўлмайди³.

² муаллиф ишланмаси.

³ <http://www.uzdaily.com/uz/post/5876> <https://www.theworldonly.org/rejting-innovatsionnyh-ekonomik-2020/>

Хизматлар соҳасининг инновацион комплекси бу – очик тизим, яъни у ташқи ресурсларни тўплайди ва ўзгартиради (1-расм). Моделга киришда муайян инновацион технология ва маҳсулотларга айлантириладиган инновацион хизматлар акс эттирилади.



1-расм. Инновацион хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг тизимли модели⁴

Бугунги кунда республикада 135 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 109 таси маҳаллий ҳамда 26 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, 28 та университет, 37 та институт, 3 та академия, 1 та консерватория, 9 та нодавлат олий таълим муассасалари ва 26 та филиаллар фаолият юритмоқда (Қарор, 2016).

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг илм-фан сектори 104 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат, шу жумладан 65 та илмий-тадқиқот институтлари, 31 та илмий марказлар (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар) ва 8 та бошқа илмий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 120 дан ортиқ олий таълим муассасаларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда (Cornell University, INSEAD, and WIPO, 2020).

Республикада 31 285 нафар ходим илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан банд бўлиб, уларнинг 10 726 нафари ёки 28,8 фоизи илмий даражага эга, шундан 2 553 нафар фан доктори, 7 472 нафар фан номзодлари (PhD) турли илмий-тадқиқот муассасалари ва илмий марказларда фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолиятнинг энг оммабоп соҳаси "касбий, илмий-техник фаолият" бўлиб, у ўз ичига илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишлари билан шуғулланадиган 177 та ташкилотни олади (2-жадвал).

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишларини амалга оширган ташкилотлар сони

Иқтисодий фаолият тури	Йиллар		
	2017	2018	2019
Жами	389	668	304
<i>жумладан, иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари	14	18	7
Тоғ-кон саноати	2	4	-
Ишлаб чиқариш саноати	12	21	11
Ахборот-коммуникация	4	6	4
Касбий, илмий-техник фаолият	219	390	177
Таълим	87	156	67
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	9	20	8
Санъат, кўнгилочар ва ҳордиқ фаолияти	32	45	19
Иқтисодий фаолиятларнинг бошқа турлари	9	8	2

⁴ Муаллиф ишланмаси

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар сонининг бир вақтда пасайиши ва бундай ишларнинг умумий сонининг ўсиши илмий ташкилотлар йилдан йилга кўпроқ илмий лойиҳалар ва тадқиқотлар билан шуғулланаётганини англатади. 3-жадвалдаги илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишларининг фаолият турлари бўйича тақсимланишини кўриб чиқамиз.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари ва йиллар бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишларининг сони

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2017	2018	2019
илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишланмалар сони	30447	13876	17845
шу жумладан:			
илмий тадқиқотлар (тадқиқот ишлари)	7001	6195	13793
шундан:			
фундаментал тадқиқотлар	1013	738	1986
амалий тадқиқотлар	5988	5452	-
Лойиҳалаш, конструкторлик ва технологик ишлар	515	1142	406
прототиплар, партиялар, маҳсулотлар ишлаб чиқариш	381	166	71
қурилиш учун лойиҳалаш ишлари	1915	625	134
илмий-техник хизматлар	20635	5818	3441

Илмий ташкилотларнинг пойтахт атрофида марказлашганлиги ва ҳудудларда замонавий илмий лабораторияларнинг мавжуд эмаслиги, ҳозирда 90 фоиз илмий-тадқиқот лабораториялари Тошкент шаҳри ва унинг атрофида шаклланган бўлиб, мазкур ҳолат ҳудудларда илмий-тадқиқотлар олиб боришни чегараланишига сабаб бўлмоқда (Hirooka, 2006).

Ҳозирги кунда 37185 нафар илмий ходимлар (олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчилар билан бирга) илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, уларнинг 16863 нафари ёки 45,3 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатмоқда.

Агар илмий ташкилотларда фаолият кўрсатаётган илмий ходимларнинг ўзини таҳлил қиладиган бўлсак, жами 13566 нафар илмий ходимларнинг 59,4 фоизи (8054 нафари) Тошкент шаҳрида меҳнат қилмоқда.

2020 йилда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажарилаётган 1278 та илмий лойиҳаларнинг 75,1 фоизи ёки 960 таси Тошкент шаҳридаги илмий ташкилотлар улушига тўғри келади⁵.

Қолган 318 таси (24,8 %) республиканинг бошқа ҳудудларидаги илмий муассасалар томонидан бажарилмоқда, шундан: Қорақалпоғистон Республикаси – 23 та (1,8 %); Андижон вилояти – 14 та (1,1 %); Бухоро вилояти – 12 та (0,9 %); Жиззах вилояти – 5 та (0,4 %); Навоий вилояти – 9 та (0,7 %); Наманган вилояти – 12 та (0,9 %); Қашқадарё вилояти – 16 та (1,2 %); Самарқанд вилояти – 51 та (4,0 %); Сирдарё вилояти – 1 та (0,08 %); Сурхондарё вилояти – 6 та (0,5 %); Тошкент вилояти – 147 та (11,5 %); Фарғона вилояти – 10 та (0,8 %), Хоразм вилояти – 12 та (0,9 %) ташкил этади⁶.

Бундан кўриниб турибдики, Давлатимиз Раҳбари томонидан илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотларга мос тарзда илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аниқ чора-тадбирларнинг белгиланиши долзарб аҳамият касб этмоқда (Қарор, 2016).

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик тўпламлари. –Тошкент, 2017-2021 йй.

⁶ <https://mininnovation.uz/uz/news/2036>
<https://www.lex.uz/docs/2909071>

Амалга оширилган асосида хизматлар соҳасида инновацияларни ривожлантиришга таъсир кўсатувчи омиллар ажратилди ва гуруҳланди (4-жадвал).

4-жадвал.

Хизматлар соҳасида инновацияларни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар таҳлили

Омиллар гуруҳи	Фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар	Фаолиятга хизмат кўрсатувчи омиллар
Техник-иқтисодий омиллар	Рискли лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағлар етишмаслиги; моддий ва илмий-техник базанинг заифлиги, захира қувватлари йўқлиги; жорий ишлаб чиқариш манфаатларининг устунлик қилиши	Молиявий ва моддий-техник воситалар захираси; зарурий хўжалик ва илмий-техник инфратузилма; инновацион фаолият учун моддий рағбатлантириш мавжудлиги
Юридик	Монополияга қарши кураш, солиқ, амортизация, патент-лицензия қонунчилиги томонидан юридик чекловлар	Инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи қонун чоралари
Ташкилий-бошқарув	Ташкилий-бошқарув структуралари, керагидан ортиқча марказлашув, иерархик тамойиллар консервативлиги, вертикал ахборот оқимлари устунлиги, тармоқлараро ва ташкилотлараро ўзаро алоқалар мураккаблиги, қисқа муддатли қоплашга йўналганлик; инновацион жараён майдонлари манфаатларини мувофиқлаштириш қийинлиги	Ташкилий структуралар мослашувчанлиги, бошқарувнинг демократик услуби, горизонтал ахборот оқимлари устунлиги; режалаштириш индуктивлиги, номарказлашув, мустақиллик, мақсадли ва муаммоли гуруҳлар шакллантириш
Ижтимоий-психологик	Мақомнинг ўзгариши, янги иш қидириш зарурати, шаклланган фаолият усуларини қайта қуриш, хулқ-атвор стереотипларини бузишга қаршилик кўрсатиш; ташқаридан келадиган барча янгиликларга қаршилик кўрсатиш	Маънавий рағбатлантириш, жамиятда тан олинис, шахсий камол топиш имкониятларини таъминлаш, ижодий меҳнатни озод қилиш

Мамлакатимизда хизматлар соҳасининг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур.

Булардан, биринчиси, хизматлар соҳасининг илмий-техникавий ахборотдан фойдаланишдаги юқори трансакцион харажатларни камайтириш, хизматлар соҳаси корхоналари учун янги технологияларни синовдан ўтказиш, инновацион ишланмалар ва уларни жорий қилиш учун ўз ресурсларини таклиф қилувчи молиявий ва инвестиция институтлар бозорини (венчур фирмалари, модернизация фондлари ва технологиялар трансфери хизматлари ва ҳ.к.) ташкил этишни рағбатлантириш “фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграциясини самарадорлигини ошириш.

Иккинчидан, хизматлар соҳаси субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун ахборот-маслаҳат таъминоти тизимини ислоҳ этишни чуқурлаштириш, бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тизимини яхшилаш.

Учинчидан, хизматлар соҳаси субъектлари инновацион фаолиятининг самарасини ошириш борасида инновацион маркетингини кенг тадбиқ этиш, ривожланаётган бозор жараёнларида рақобатбардош янги технологияларни яратиш ва уларни жорий этишни тижоратлаштириш масалаларини тезда ҳал қилиш.

Тўртинчидан, хизматлар соҳасининг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун стратегик ва тактик мақсадларни аниқлаш, инновацион стратегиялар тизимини ишлаб чиқиш, инновацион ва инвестиция портфелларини шакллантириш, патент, лицензия ва “ноу-хау”лар яратиш ва жорий этиш, таваккалчилик, диверсификация жараёнларини самарали бошқариш.

Бешинчидан, хизматлар соҳаси субъектлари маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш ва халқаро бозор стандартларига мослаштириш орқали, уларни ташқи иқтисодий

фаолият жараёнларига кенг жалб этиш, замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланилган ҳолда кичик бизнесни ахборот билан таъминлаш сифатини ошириш, ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришни рағбатлантириш.

Олтинчидан, хизматлар соҳасида модернизациялаш жараёнларни фаоллаштириш, сифатли ва экспертга асосланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатидан келиб чиқиб эгилувчан нарх сиёсатини амалга ошириш, бизнес субъектларининг механизмини шакллантириш.

Еттинчидан, бозор иқтисодиётини ривожланаётган ҳозирги шароитда кичик бизнес юқори фойда берадиган иқтисодий тармоқларида ишчилар сони чегараларини халқаро андозалардан келиб чиқиб қайтадан кўриб чиқиш, кичик бизнес соҳасини бошқаришни самарали ташкил этиш учун малакали менежерлани тайёрлаш, айниқса инновацион менежерлар билан таъминлашни кенгайтириш.

Агарда биз замонавий, илғор ва тежамкор технологиялардан фойдаланишга ҳамда товарларнинг юқори сифати ва истеъмол хусусиятларини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион техника ва технологияларни яратиш тизимини жорий этсак, бу соҳага ёшларни жалб қилган ҳолда, аҳолимизнинг ички эҳтиёжларини таъминлаш билан биргаликда, экспор қилишга хизмат қиладиган рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўчайтиришга эришишимиз мумкин.

Жаҳон миқёсида устувор соҳаларда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли инфратузилманинг мавжудлиги талаб этилади. Бунинг учун унинг ҳозирги тарқоқлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда (илмий-тадқиқот марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар, ривожлантирувчи стартаплар, бизнес-инкубаторлар, технопарклар ва бошқ.) Тошкент шаҳрида алоҳида ҳудудга эга йирик замонавий илмий-технологик инновациялар парки – Юқори технологиялар паркни яратиш лойиҳаси таклиф этилади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бундай тузилмалар мавжуд эмас. Қўшни мамлакатлар тажрибасидан мисол тариқасида Москвадаги "Сколково" Инновация маркази (Россия Федерацияси) ва Минскдаги "Великий камень", "Парк высоких технологии" (Беларусь Республикаси) паркни келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари мажмуани ташкил қилишда АҚШ, Жанубий Корея, Сингапур, ХХР каби давлатлар тажрибасини ҳам инобатга олиш зарур.

Бугунги кунда маҳаллий илм-фан салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун олимларнинг замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлишини кенгайтириш ва уларни барча зарур ресурслар билан таъминлаш билангина эришиш мумкин. Бунинг учун Юқори технологиялар парки ҳудудида мамлакат иқтисодиётининг "драйверлари" бўлган тармоқлари бўйича илмий лабораториялар, муҳандислик марказлари ва ишлаб чиқариш-тажриба майдончаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Бу уч соҳа вакилларига алоҳида тегишли хизматлар кўрсатишдан асосий мақсад – таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлашдан иборат бўлади.

Ташкил этилиши таклиф этилаётган Юқори технологиялар парки кичик ва йирик sanoat корхоналарининг технологик эҳтиёжлари ва тадқиқотчи-олимларнинг таклифларини кесишиш нуқтаси бўлиши лозм. Шунингдек, Юқори технологиялар паркида бутун дунёдан юқори малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ёшларни ўқитиш ва муҳандислик мутахассислари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Тайёрланган мутахассислар Ўзбекистонда ўз филиалларини очаётган хорижий компаниялар учун сув ва ҳаводек зарур бўлади, бу эса ўз навбатида мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга ижобий таъсир кўрсатади (Hirooka, 2006; Отажонов, 2018).

Бундан ташқари, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан мутахассислар жалб қилинади, бу эса Ўзбекистонда бутун минтақадан технологик инновациялар соҳасидаги энг яхши кадрларнинг концентрациясини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Янги авлод мутахассислари технологик муаммоларни ҳал этиш ва турли тармоқлардаги эҳтиёжларни қондириш учун sanoat корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилишини ташкил этиш зарур. Муҳандислик марказлари жамоалари ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик аудитларини ўтказадилар, тадқиқот ва инновация лойиҳалари устида ишлайдилар, уларнинг натижалари янги

технологияларни жорий этиш ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш орқали меҳнат самарадорлигини оширишда амалий қўл келади (Отажонов, 2010).

Илмий лабораториялар, муҳандислик марказлари ва ишлаб чиқариш-тажриба майдончаларидан ташқари, мажмуанинг ҳудудида турар жойлар, офис бинолари, молия ташкилотлари ва чакана савдо объектларини жойлаштириш таклиф этилади. Шунингдек, инновацион стартапларни жадаллаштириш ва юқори технологияли бизнесларни инкубация қилиш дастурларини амалга ошириш кўзда тутилади.

Мажмуани резидентлар ва ташриф буюрувчилар диққатини жалб қилувчи мамлакат иқтисодиётининг “драйверлари” ҳисобланган тармоқдаги жаҳон илм-фан ютуқлари ва технологиялари, юқоритехнологияли маҳсулотлари жамланган, замонавий музей технологиялари асосида яратиладиган – Марказий Осиё инновацион технологиялар марказига айлантириш таклиф этилади.

Мамлакатимизда инновацион тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш ва махсус тадбирларни ташкил этиш орқали аҳоли ўртасида инновацион фаолиятни оммалаштиришни амалга ошириш, шунингдек, технологик компаниялар, бизнес-акселераторлар, инкубаторлар, технологиялар брокерлиги, технологиялар трансфери ва бошқалар учун қулай шароитлар яратиш лозим.

Мазкур вазифа қуйидаги икки асосий йўналишда амалга оширилиши лозим:

Биринчи – Demo Day форматида, стартаперлар ва инвесторларнинг ҳафталик учрашувларини ташкил этиш ва ўтказиш —бу тадбир ишлаб чиқувчилар ва стартаперлар ўз лойиҳаларини потенциал инвесторларга тақдим этишлари ва инвестицияларни жалб қилишлари учун ташкил қилинади.

Бугунги кунда Demo Day моделининг тўртта кўриниши мавжуд:

- оммавий тақдимотлар;
- Speed Pitch форматидаги алоҳида тақдимотлар ;
- Meet Up (Elevator Pitch) форматидаги оммавий тақдимотлар;
- янги форматдаги – Startup Fest.

Бундай тадбирлар лойиҳанинг муҳим хусусиятларини баҳолаш имконини беради:

- жамоанинг тақдимот қобилияти – уларнинг даражаси таъсисчиларнинг ўз маҳсулотини ҳамкорлар, истеъмолчилар ва янги инвесторларга қанчалик муваффақиятли тақдим этишини белгилайди;

- ўз ғоясини ҳимоя қилиш қобилияти – аудиториянинг ушбу лойиҳада бир неча ўсиш истиқболлари бор, деб ишонч ҳосил қилиши учун;

- мутахассисларнинг конструктив танқидини қабул қилиш қобилияти;

- бизнес-моделни асослаш – лойиҳани қандай йўлга қўйиш ва ривожлантиришни тушуниш.

Иккинчидан – илм-фан имкониятларига асосланган технологиялар асосида стартапни ривожлантириш, тўлиқ инфратузилма билан таъминлаш, шунингдек, ривожланишнинг барча босқичларида ҳар томонлама профессионал қўллаб-қувватлаш, дунё миқёсида ишончли ривожлантириш учун имкониятлар яратиш.

Инновацион иқтисодиёт шароитида инновацион ҳаёт циклининг босқичларида такрорий ўзгариш кузатилиб, бу хизматларнинг янги талаблари билан янги билимларнинг доимий ўзаро таъсирига асосланган бўлиб, бу ерда 5-жадвалда кўрсатилган асосий шартлар (АШ) комбинациянинг тўртта варианты мавжуд.

5-жадвал

Инновацион хизматлар кўрсатиш соҳасида билимларни янгилаш ва инновацияга олиб келадиган хизмат кўрсатишнинг асосий шартларининг комбинацияси

		Хизмат кўрсатиш талаблари (билим, кўникма, малака)	
		янги	ташкил этилган
Кадрлар тайёрлаш қўйи тизимининг мақсадлари (элементлари)	янги	АШ 1	АШ 3
	ташкил этилган	АШ 2	АШ 4

1) янги – янги – АШ 1; 2) ташкил этилган – янги – АШ 2;

3) янги – ташкил этилган – АШ 3; 4) ташкил этилган – ташкил этилган – АШ 4

Инновациялар, хизмат кўрсатиш соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқани чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг кучли стимулятори дидир. Инновацион иқтисодиёт шароитида доимий равишда кенгайиб бораётган эҳтиёжлар мажмуаси доимий равишда хизмат, меҳнат турларининг кўпайиб бораётган тизими билан мос келади. Ахборот ва машинасозлик саноатига асосланган жамиятда бу жараён доимо янгилашиб туради. Бу, ўз навбатида, ташкилий ўқув машғулоти хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар учун тегишли ишчи кучини тайёрлашнинг таркибий қисмига айланади. Кейинчалик жамият ва ишлаб чиқаришнинг изчил ривожланиши ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражаси билан ишчи кучининг ривожланиш даражаси ўртасида табиий муносабатлар ва ўзаро боғлиқлик мавжудлигига олиб келади.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизми деганда, бошқарув тизими инфратузилмаси элементлари, ўзаро таъсирлар тизими, функциялари, стандартлари ва қоидаларини ўз ичига олган воситалар ва жараёнлар мажмуи тушунилади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарнинг инновацион фаолиятини бошқариш модели 2-расмда кўрсатилган.

Бундай моделнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- ахборот технологиялари ривожланишини башорат қилиш ва режалаштиришни таъминлаш;
- инновацион дизайн ва ахборот технологиялари лойиҳаларини амалга ошириш;
- илмий ва услубий ёрдамни таъминлаш;
- ахборот билан таъминлаш.



2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарнинг инновацион фаолиятини бошқариш⁷

4. Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконияти яратилди, яъни Хизматлар соҳаси субъектларининг инновацион ривожланиш йўллари орқали ривожлантиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, корхоналар ходимларини рағбатлантириб уларни кўпроқ маркетинг тадқиқотларини олиб боришга жалб қилиш орқали, янги инновацион ғояларни ишлаб чиқишга йўналтириш;

Иккинчидан, ишлаётган ёш ходимлар томонидан яратилаётган инновацион лойиҳаларни амалиётда қўллашдан олдин корхона ҳудудига тегишли жойларда синов майдончаларини ташкил этишни йўлга қўйиш;

Учинчидан, бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар учун кредитлар ва улар учун зарур ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва яратилаётган инновацион лойиҳаларни кредитлаш тизимини яратиш;

⁷ Муаллиф ишланмаси.

Тўртинчидан, вилоятларнинг чекка туманларида ишлаб чиқаришда энг муҳим омил бўлган электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва шу каби коммунал хизматлар узлуксизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш;

Бешинчидан, яратилган инновацион маҳсулотлар ва миницеҳлар савдо ярмаркаларини ташкил этиш;

Олтинчидан, хизматлар соҳасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизмларини шакллантириш ва шароитларни янада яхшилаш орқали келгусида четга хомашё эмас, балки юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотни экспорт қилишга эришиш. Мақолада барқарорлаштириш воситаси ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш жараёнини фаоллаштириш усули бўлиб хизмат қиладиган хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхонанинг инновацион бошқарувини ташкил этиш даражасини баҳолаш зарурлиги қайд этилган. Шунинг учун, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарда, инновацион бошқарувни самарали ва самарасиз ташкил этиш ҳақида таъкидлаш керак.

Амалга оширган тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, миллий иқтисодиётда хизматлар соҳасини инновацион ривожланишини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда тадбиркорлик субъектларини йирик корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро кооперацион алоқаларининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, самарадорликка асосланган стратегиялар ишлаб чиқишни инобатга олиш зарур.

Инновацион хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни бошқариш муаммолари аниқланиб, асосий муаммо - хизматлар сифатига қўйиладиган талабларнинг ортиши, уларнинг дифференциацияси, ишлаб чиқариш -хўжалик фаолиятига инновацияларни киритишни кучайтириш, замонавий ахборот технологиялари ва бошқарув усулларидан фойдаланишни талаб қилади.

Қисқача қилиб айтганда, янги хизмат турларини, инновацион ишланма ва технологияларни жорий этиш асосида хизматлар соҳасини инновацион ривожланишини бошқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда янги илмий ишланмалар асосида инновацион хизмат турларини яратиш концепциясига асосланган ҳолда иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланишини бошқариш самарадорлигини оширишга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Hirooka M. (2006) Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. Cheltenham, UK - Northampton, MA: Edward Elgar.

Cornell University, INSEAD, and WIPO (2020). The Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? Ithaca, Fontainebleau, and Geneva. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020.pdf

Отажонов Ш.И. (2010) Управленческие инновации на малых предприятиях. // Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, № 5. –Б. 32–36. / Otajonov Sh.I. (2010) Upravlencheskie innovatsii na malyx predpriyatiyax. // Economics and education. – Tashkent, № 5. P. 32–36.

Отажонов Ш.И. (2018) Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш. Монография. –Т.: Фан, 227 б. / Otajonov Sh.I. (2018) Improving the efficiency of innovation activity infrastructure management. Monograph. –Т.: Фан, 227 p.

Қарор (2016) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги "2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 55-сон. / Resolution (2016) No. 55 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 26, 2016 "On the program of development of the service sector for 2016-2020".



ЖОРИЙ МОЛЯВИЙ АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Зайнутдинов И.С.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ушбу мақолада жорий молявий активларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, халқаро тажрибаси ва унинг кўрсаткичлари ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек молявий активларни бошқаришни муваффақиятли амалга оширишга доир илмий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: молявий активлар, дебиторлик, кредиторлик, номолявий активлар, реал активлар, пул маблағлари.

IMPROVING THE CURRENT FINANCIAL ASSET MANAGEMENT SYSTEM

Zaynutdinov I.S.

Tashkent State University of Economics

Abstract: This article analyzes the current financial asset management system improvement, international experience and its indicators and importance. There are also scientific recommendations for the successful implementation of financial asset management.

Keywords: financial assets, accounts receivable, accounts payable, non-financial assets, real assets, cash.

1. Кириш.

Акциядорлик жамиятларида рентабеллик ва молявий барқарорликни юксалтиришга қаратилган жорий активларни самарали бошқариш бўйича молявий қарорлар қабул қилиш комплекс молявий бошқарув тизимининг элементи ҳисобланади. Агар молявий менежментнинг турли объектлари бўйича қарорлар қабул қилиш орқали корхоналар бозор қиматини максималлаштириш асосий мақсад ҳисобланса, унинг ҳар бир объекти ёки уни бошқариш элементлари ушбу объектларнинг иқтисодий табиати ҳамда умумий мақсадга таъсирининг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Шундай бошқарув объектларидан бири сифатида жорий активлар таркибидаги жорий молявий активларни акциядорлик жамиятлари молявий хўжалик фаолиятига таъсири аввало унинг айланувчанлиги даражаси орқали ифодаланади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, жорий активлар таркибидаги товар моддий захиралар ва дебиторлик қарзлари айланувчанлигини ошириш умумий контекстда активлар рентабеллигини ошириш орқали корхоналарнинг молявий барқарор ривожланишига таъсир этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Молявий активларнинг элементи ҳисобланган дебиторлик қарзларига инвестицияларнинг иқтисодий табиати ва уни компаниялар бозор қийматини таъсирига оид қарашлар иқтисодчи Джон (1976) томонидан кенг ёритиб берилган.

Тижорат кредити воситасида шакллантириладиган жорий молявий активлар ва пасивларни мувозанатли бошқариш масалалари Даниел ва Сейфертларнинг (2013) илмий тадқиқотларида чуқур ўрганилган.